



ЖАЛДІК СҮЗІ



1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

16 март, пайшанба, 1995 йил
Сотувда эркин нархда. № 52 (1054)

ЎЗБЕКИСТОН ГАЛЛА МУСТАҚИЛЛИГИГА ЭРИШАДИ!

15 март куни Тошкентда галлакорларнинг республика курултойи бўлди. Ингилиш иштирокчилари ўтган йилги иш якуналари, долзарб вазифалар ва тармоқни ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларини муҳокама қилдилар.



Республика қишлоқ хўжалик вазири Р. Хусанов «Ўзбекистоннинг галла мустақиллигини таъминлаш» мавзусида маъруза қилди. У Президент Ислам Каримов галлачиликни ривожлантиришга жуда катта аҳамият бераётганини, қисқа муддат ичида мамлакатнинг галла мустақиллигига эришишни вазири қилиб қўйганини таъкидлади. Ҳозир амалда рубга чиқарилаётган бу дастурни халқимиз қизгин қўллаб-қувватламоқда. Республика деҳқонлари Президентимизнинг Ўзбекистон Олий Мажлиси биринчи сессиясидаги маърузасини аниқравишдан дастуриямал, деб қутиб олдилар, парламентнинг давлатимиз бошлигининг вокалатлари муддатини 2000 йилгача узайтириш масаласи юзасидан умумхалқ Референдуми ўтказиш тўғрисидаги қарорини мамнуният билан қаршилдилар.

2 миллион 170 минг тонна галла, маккажўхори дони ва шоли олинди. Бу — аввалги йиллардаги ҳосилдан анча кўп. Натижа бундан ҳам яхшироқ бўлиши мумкин эди. Афсуски, ўтган йили республиканинг бирорта вилояти ҳам режалаштирилган миқдорда галла етиштиришни таъминлай олмади, деб таъкидланди маърузада. Холбуки, бир қанча вилоятларда, туман ва хўжалиқларда яхши натижаларга эришилди. Бироқ, галла экинларининг ўртача ҳосилдорлиги режалаштирилган даражага етмади. Бунинг асосий сабаби галла етиштириш агротехникасининг бузилгани, яъни экиш, ҳосилни ингиштириб олиш муддатларининг чўзилиб кетганидир. Бунинг устига, галла экинларини суғориш ва озиклантириш ишлари сифатли бажарилмапти.

Хўжалиқларда суғорма ва лалми ерлар учун навларни танлаш яхши ташкил этилмаган. «Дон» илмий-ишлаб чиқариш биросмаси, Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик Фанлари академияси Усимликшunosлик илмий-тадқиқот институти, Самарқанд қишлоқ хўжалик институти ходимлари деҳқонларни янги яратилган навларнинг сара уруғи билан таъминлаш, бу навларни районлаштириш, суғорма ерлар учун янги серхосил навларни яратиш ишларини кучайтириш зарур. Ҳозирнинг ўзида қишлоқ хўжалиқларида уруғликни тайёрлаб қўйиш ҳақида жон куйдириш, уруғлик дон етиштирилмаган участкаларга алоҳида эътибор бериш, техникани ва уруғликни тозалайдиган ускуналарни тартибга келтириш лозим.



Президентимизнинг Фармонида мувофиқ, бу йил давлат дон сотиш буйича давлат буюртмаси япи дон ҳосилининг 50 фоизи миқдорда белгиланган. Хўжалиқлар етиштирилган доннинг қисмини шартнома нархларида сотишга ҳақлидир. Дон етиштиришни кўпайтириш учун, деб таъкидланди анжуманда, нарх сиёсатини такомиллаштириш зарур.

Фалладан бўшаган ерлардан такрорий экинлар экиш учун самарали фойдаланиш мақсулоти етиштиришни кўпайтиришнинг муҳим омилдир. Галла ҳосилини жуда кўпга муддатла — 10-15 кун ичида уриб-йигиб олиш лозим. Шундагина анғизда маккажўхори, жўхори, тарих, мош, соя, сабзавот, картошка, озуқа экинлари етиштириш мумкин бўлади. Республиканинг жанубий минтақаларида ҳосили йиғиштириб олинган галлазорларда такрорий экин сифатида пахта етиштириш тажрибасини кенг қўлланиш лозим. Ўтган йили ана шундай ерлардан 15-20 центнердан пахта ҳосили олинди.

Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик Фанлари академияси институти ходимларининг вазифаси бугун ва такрорий экинлардан мўл ҳосил олиш йўллари илмий жиҳатдан излашни кенгайтириш, селекция ишларини яхшилаш, тажриба станциялари фаолиятини такомиллаштириш ҳамда уларнинг ҳузурда уруғчилик хўжалиқларини ташкил этишдан иборат, дейиши учрашув иштирокчилари.

лоятлардаги айрим хўжалиқлар гектаридан 50 центнер ва ундан ҳам кўпроқ дон ҳосили олаётганини таъкидлади. Галлачиликка эътибор пахтачиликка эътибордан кам бўлмастлиги керак. Республикаимизнинг табиий-иклим шароити галла ва бошқа экинлардан мўл ҳосил олиш имконини беради. Биз мамлакатимизни дон мақсулотлари билан таъминлашга эришмоғимиз керак. Чунки, жаҳон бозорига галла анча қиммат — дон етиштириш монополияга айлантирган мамлакатлар унга жуда юқори нарх белгилайди.

Дон етиштиришни тез ривожлантириш учун интенсив технологиялардан фойдаланиш зарурлиги таъкидланди. Дон етиштиришга иккинчи даражали иш деб қараётган раҳбарлар қаттиқ танқид қилинди. Галлачиликка ана шундай муносабат оқибатида уруғчилик яхши йўлга қўйилмаган, агротехника бузилмоқда, галла асосан баҳорда экилмоқда. Бизнинг шароитимизда галлани баҳорда экиш илҳомий натижа бермайди. Ҳозир мўл галла ҳосили олиш учун баҳор кучини сафарбар этиш, ҳар бир хўжалиқда уруғлик жамғариб қўйиш зарур.

Анжуманда иштирокчилари республика қишлоқ хўжалик ходимларига мурожаатнома қабул қилиб, муҳим стратегик вазифани ҳал этиш — яқин йиллар ичида республика ўзини дон билан тўла таъминлашга эришиши учун бутун кучларини сарфлашга чақирдилар.

Анжуманда республика Президенти Фармонига мувофиқ фахрий унвон билан тақдирланган энг яхши галлакорларга мукофотлар топширилди.

П. НИШОНОВ, Г. КОВАЛЬ, Ў.А. мухбирлари.

УМУМХАЛҚ БАЙРАМИ ТАРАДДУДИ

15 март куни Вазирлар Маҳкамасида Наврўз умумхалқ байрамга тайёргарлик кўриш масаласига бағишланган йиғилиш бўлди. Уни Президент Ислам Каримов бошқарди.

— Мустақиллик йилларида халқимизнинг руҳини кўтарилган, унга куч-қувват берадиган, умид бағишлайдиган янгиликни, янароқ байрами — Наврўзни кенг нишонлаш қўлтуғ аниганга айланди. — деди мамлакатимиз раҳбари. — Халқимиз эътиборидан қўлтуғ саналар ичида Наврўз энг улуғ ва нуфузли байрамлардан бири бўлиб қолди. Бугунги кунга келиб у миллий байрам доирасидан чиқиб, умумхалқ шодлиғига айланди. Бу йилги Наврўз ҳам мамлакатимизда истиқомат қилувчи барча миллат вакилларининг севимли байрами ҳисобланади. Ҳатто, яқин узоқдаги дўст ва қардош мамлакатлар бизнинг маъзур байрамга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тажрибамиз билан қизиқмоқда. Бу — Ўзбекистонимиз қадимий шарқона қадриятларга муносиб ворислик қилаётгани ва уларни замон талабига мослаб такомиллаштириётганидан яна бир далилдир. Қисқача айтганда, кўнра байрам истиқлолимизнинг самарасига айланди ва уни пухта тайёргарлик билан юксак савияда ўтказиш ана шу ютуғимизни мустақамлаш йўлидаги сый-ҳаракат демакдир.

Шундан сўнг Ислам Каримов байрамга тайёргарликнинг бориши билан танишди.

Тошкент шаҳар ҳокими К. Тулаганов, Алишер Навоий номидаги Миллий богда ўтқидиган байрам томошалари бош режиссёри Баҳодир Йўлдошев ва бошқарув умумхалқ байрамга тайёргарлик борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида гапириб берди.

Йиғилишда республика Олий Мажлиси Раиси Э. Халилов, Бош вазир А. Муталов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, Наврўз умумхалқ байрамга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш республика ташкилий қўмитаси раиси И. Жўрабеков ва бошқа расмий кишилар қатнашди.

БУПАЖАК РЕФЕРЕНДУМ МУНОСАБАТИ БИЛАН

1995 йил 15 март куни Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида Тошкентдаги дипломатия ваколатхоналарининг бошқаруви, халқаро ташкилотларнинг раҳбарлари ва хорижий журналистлар учун республика Президенти ваколатларини узайтириш юзасидан булажак умумхалқ Референдуми муносабати билан учрашув ўтказилди. Учрашувда ташқи ишлар вазири А. Комиллов ахборот берди.

Учрашувда Олий Мажлис Раиси Э. Халилов ва Ўзбекистон Президентининг матбуот котиби Мурод Муҳаммад Дўст иштирок этдилар.

Тақлиф этилганларга Референдумга тайёргарлик қандай бораётгани тўғрисида маълумот берилди. Иштирокчилар уларнинг қизиқтирган саволларга тўла-тўқис жавоб олдилар.

ПОЙТАХТ ФАОЛЛАРИ ИНГИЛИШИ

Тошкент шаҳар фаолларининг йиғилиши бўлди. Унда республика Олий Мажлиси биринчи сессияси якуналари, Президент Ислам Каримовнинг маъзур сессияда сузган маърузасида ўртача кўйилган вазифалар, Президент ваколатлари муддатини 2000 йилгача узайтириш буйича ўтказилаётган республика Референдумига тайёргарлик масалалари муҳокама этилди. Тошкент шаҳар ҳокими К. Тулаганов ана шу ҳақида маъруза қилди.

Маърузачи ва сузга чиққан мустақиллик шарофати билан Тошкент шаҳрини ободлаштириш, меҳнаткашлар турмуш шароитини яхшилаш, транспорт, аҳоли, савдо хизматларини такомиллаштириш борасида бирмунча ишлар қилинганлиги қайд этилди. Шу билан бирга шаҳар фаоллари олдига ҳал қилиниш лозим бўлган муҳим масалалар турбди. Хусусан, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш миқдорларининг узуқлиқ суғиб боришини таъминлаш, талбиркорликни янада ривожлантириш, ёшлар тарбияси, соғлиқни сақлаш, жониятчиликка қарши кураш, солиқ назоратини кучайтириш йўлида кўп иш қилиниши лозим.

Йиғилишда Олий Мажлис биринчи сессияси қарорларини ҳаёта талбиқ этиш, умумхалқ Референдумига тайёргарлик кўриш билан боғлиқ бўлган чора-тадбирлар белгиланди. Республика Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т. Алимов пойтахт фаоллари ҳузурига сузга чиқди. Йиғилишда Бош вазир ўринбосари Д. Фулмова қатнашди.

ИСТИҚБОЛГА УМИД РУҲИДА

Қаришда вилоят фаолларининг йиғилиши бўлди. Унда республика Президентини Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Олий Мажлиси биринчи сессиясида сузган маърузасида баён этилган вазифалар тўғрисида Қашқадарь вилоят ҳокими Т. Хайиров маъруза қилди. Маърузачи иқтисодий ислохотларни амалга оширишда вилоятда қилинаётган ишлар ва кун тартибига турган муҳим вазифаларга эътибор қаратди.

Музокарада сузга чиққан партия, жамоат ташкилотлари, ишлаб чиқариш корхоналари вакиллари Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида қабул қилинган қарорлар ислохотларни чуқурлаштириш, ишлаб чиқариш суръатларини ошириш, жамиятдаги барқарорликни сақлашда муҳим аҳамият касб этишини таъкидладилар. Йиғилиш ахли республика Олий Мажлиснинг Ўзбекистон Президентини ваколатларини 2000 йилгача қадар узайтириш борасида умумхалқ Референдуми ўтказиш тўғрисидаги қарорини қўллаб-қувватлаш, шу йил 26 мартда ўтқизган умумхалқ сўровида фол қатнашларини билдирдилар.

Фаоллар йиғилиши вилоят аҳолисида мурожаатнома қабул қилди. Унда барча умумхалқ Референдумида уюшқонлик билан қатнашишга даъват этилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг ўринбосари Б. Шодиева фаоллар йиғилишида сузга чиқди. Йиғилишда Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчилари Б. Фулмова, М. Мирқосимов, республика Бош вазирининг ўринбосари В. Чқен қатнашди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЛЮТА БИРЖАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Валюта биржасида 1995 йил 15 март куни бўлиб ўтган савдода Ўзбекистон Республикасининг хорижий валютада операцияларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган 13 банки иштирок этди.

Сотув ҳажми 12,67 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бир АҚШ долларининг қиймати — 25,00 сўм даражасида қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1995 йил 16 мартдан бошлаб ҳисоб ва боғнона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгиледи.*;

1 Австралия доллари	18,66	10 Португалия эскудоси	1,68
1 Австралия шиллинги	2,51	1 Сингапур доллари	17,69
1 Англия фунт стерлинги	39,66	1000 Туркия лираси	0,60
10 Бельгия франки	8,58	1 Финляндия марккаси	5,72
1 Голландия гульдени	15,78	4 Франция франки	4,99
10 Греция драхми	1,09	1 Швейцария франки	21,31
1 Дания кронаси	4,42	1 ЭКЮ	32,39
1 АҚШ доллари	25,00	10 Япония иенаси	2,77
1 Миср фунти	7,33	1000 Россия рубли	5,29
1 Ирландия фунти	39,33	1 Эстония кронаси	2,22
1 Исландия кронаси	0,39	1000 Украина карбованеци	0,19
1 Испания песети	1,94	1 Латвия лати	47,80
100 Италия лираси	1,49	1 Лигва лати	6,25
1 Канада доллари	17,71	1 Қозғовон тенгеси	0,41
1 Қувайт динори	84,60	1 Молдова лейи	5,66
100 Ливан фунти	1,53	1000 Беларусь рубли	2,14
1 Германия марккаси	17,70		
1 Норвегия кронаси	3,97		

* — Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маъзур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Марказий банки 1995 йил 16 мартдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси маъсус пул алмаштириш пунктларида фойдаланиш учун нақд АҚШ долларининг қуйидаги тижорат қийматини белгиледи:

— Сотиб олиш қиймати: 1 АҚШ доллари — 25,00 сўм.
— Сотиш қиймати: 1 АҚШ доллари — 25,00 сўм.
Хорижий валютани сотиш чоғида сўм билан восита ҳақи олинади.

Бухоро вилояти ўтган йили ҳам давлатга пахта сотиш режасини ошириб бажарди. Бироқ бу ютуқнинг соясида «яшириниб» қолаган туман ва хўжалиқлар ҳам йўқ эмаски, уларни худди гуруҳ ичидаги қурмакка қийслагинг келди.

ҚОРОВУЛБОЗОР — вилоятнинг энг кенжа туманларидан. 15 минг гектардан зиёроқ суғориладиган ери бор. Ҳар бир меҳнаткашга 4-4,5 гектардан экин миллиони түғри келади.

Ўтган йили туман деҳқонлари 8200 гектар майдонга чигит қадаб, 14300 тонна пахта етиштиришни ният қилган эдилар. Аммо «яхши ният ярим мол» дедиларда, энг ичида 142 гектар ортиқча майдонга ҳам уруғ қалдирилди. Лекин иш чапта кетди, ҳосилдорлик 15,5 центнердан ошмади.

Хўш, бунинг сабаби нима? Режалаштирилган ортиқроқ ерга уруғ қалдирилди...

Бу саволларга жавоб топиш мақсадида туманнинг деярли барча хўжалиқларини айландик. Абдуҳолик Ғиждувоний номи жамоа хўжалиги ўтган йили режани 60 фоздан сал оширди. Бунинг сабабини сураганимизда хўжалик раҳбари сув танқислигини баҳона қилди. Бу йил пахта экиладиган 900 гектар майдоннинг 200 гектари ҳалигача шудгорланмаганини эса шундай изоҳлади.

— Енидги танқислиги оёғимизга тушов бўлиб турибди. Биргина ёнилгининг ўзидан 110 минг сўм қаримиз бор. Уни ўзмас эканмиз, ҳеч ким бизга бир литр ҳам ёнилгини насияга бермайди. Сабабини ўзингиз билансиз, ҳозир насиянинг замони эмас. Лекин шундай деймиз-у, ўзимиз бултур сотган пахта

кунда ҳам қанчадан-қанча трактору механизмлар дала-ларда қор-ёғир остида қаровсиз ташлаб қўйилганини, кўпгина ярқоқ эҳтиёт қисмлар лойга қоришиб ётганини билармикми? «Дўстлик» насос станциясида насосларни созлаш, Қоровулбозор магистрал каналда таъмирлаш ишлари ўз вақтида тугалланмаганини туфайли ерларни экиш олдидан (март-апрель ойларида)

таминнинг эндиғина ярим пулини олдиқ...

Ўтган йили туманнинг атиги учта хўжалиги давлатга пахта сотиш режасини удалади. Аммо уларнинг ҳам аҳволи бошқаларникидан ортиқ эмас. Муаммолар,

сугоришнинг имкони бўлмаганими.

Мана, ҳалемай янги мавсум ҳам бошланади. Лекин ҳоким ўринбосари келтирган юқоридаги муаммолар бу йил ҳам ҳал этилгани йўқ. Масалан, «Мустақиллик» жамоа хўжалигининг экин майдонлари асосан насослар ёрдамида сугорилади. Лекин ҳозиргача мавжуд 11 та насоснинг бирортаси мавсумга созлаб қўйилмаган. Оқибатда 350 гектар галла майдонидан 150 гектари сугорилмаган. Наҳотки, ерга чигит тушганда ҳам бу ҳол давом этса?

Туманда кадрлар масаласи ҳам бугунги кунда жиддий муаммага айланган. Деярли ҳамма хўжалиқларда раис муовинлари, қурилиш

Мамнон ОТАБОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ҚОРОВУЛБОЗОРДА БУ ЙИЛ ПАХТА РЕЖАСИ УДАЛЛАНДИМИ?

Ёки ушбу туманнинг қоқоқлик ботқоғидан чиқолмаётгани хусусида

26 МАРТ — УМУМХАЛҚ РЕФЕРЕНДУМИ КУНИ

ДАВР ТАЛАБИ

Яқинда Сирдарё туманининг Сирдарё ширкатлар ҳўжалигида Ўзбекистон Республикаси биринчи қақриқ биринчи сессиясида мамлакат Президентини Ислом Каримовнинг «Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболнинг асосий тамойиллари» тўғрисидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар ҳамда республика Президентини ваколатини 1997 йилдан 2000 йилгача узайтириш учун ўтказиладиган умумхалқ Референдумига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда ҳўжалик ишчи ва хизматчилари, туман ҳўкимлиги вакиллари иштирок этди.

Йиғилишда сўзга чиққанлар, асосан, мамлакатимизда олиб борилётган иқтисодий ислохотлар ва унинг ҳўжалик мисолидаги натижалари ҳўсуида сўз юритдилар.

Мамлакатимизда қишлоқ ҳўжалик соҳасида, дарҳақиқат, кенг қўламдаги ислохотлар амалга ошириляпти. Юртбошимиз фармонига асосан ҳўжалик меҳнаткашларига 25 сотихдан томорқа берилди. Чорвани ҳўсуийлаштириш жадал

сурьатларда давом этмоқда, деҳқонларга узоқ йиллик шартнома асосида ижарага ер берилаяпти. Қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларининг айрим турларига давлат буюртмаси ҳажми кескин камайитрилди, баъзи бирларига бекор қилинди. Масалан, 1994 йилда пахта учун давлат буюртмаси 1993 йилга нисбатан 13 фоиз пасайтирилгани боис, у ўтган йили 67 фоизни ташкил этди. Президентимизнинг 1995 йил январдаги фармонида асосан жорий йилда пахта учун давлат буюртмаси 60 фоиз қилиб белгиланди. Режани бажарган ҳўжаликлар доннинг ярмини ўз ихтиёри билан сотиш ҳўқуқига эга бўдилар.

Умумхалқ Референдуми — давр талаби. Унинг аҳамиятини ҳўжалик меҳнаткашлари чин дилдан ҳўз этишляпти. Шу боис республикамиздаги барча фуқаролар қатори улар ҳам Референдумда фаол иштирок этишларини билдирдилар.

Ҳалима МАЛИКОВА, Сирдарё фуқаролар йиғини раиси.

ТРАНСПОРТЧИЛАР ЯҚДИЛ

Денов шаҳридаги автобус-таксомотор корхонасида 26 март куни бўлиб ўтadиган умумхалқ Референдумига бағишланган катта митинг бўлди. Митингнинг корхона раҳбари, Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати Комилжон Сапиев очди ва бўлиб ўтган сессия ҳақида ҳўзир бўлганларга батафсил ахборот берди. Шундан сўнг, сўзга чиққан корхона касабаси уюшмаси раиси Анатолий Хан, ҳайдов

чи Мўхаммадjon Аҳмедов, бўлим бошлиғи Урол Очилдиев, чилангарлар Аваз Жумаев ҳамда Ислом Нарзикуловлар барчани умумхалқ сўровида ҳўз муносабатларини билдиришга қақридилар.

Ана шундай йиғилишлар вилоятнинг барча меҳнат жамоаларида бўлиб ўталяпти.

Тождилин РАЗЗОҚ, «Халқ сўзи» мухбири.

МУШТАРАК МАҚСАДЛАР

Наманган тиббиёт билим юрти ҳовлисида кўп миңг кишилик митинг бўлиб ўтди. Вилоят ўрта махсус ўқув юртлари директори кенгашининг раиси, тиббиёт фанлари номзоди, мазкур билим юрти раҳбари, Қарима Иномова митингнинг очар экан, республика Олий Мажлисининг биринчи сессиясида Ўзбекистон Президентини ваколатини муддатини узайтириш масаласи юзасидан Референдум ўтказиш тўғрисида қабул қилинган қарорни билим юрти ўқитувчи ва ўқувчилари яқдиллик билан қарши олишганини алоҳида таъкиллаб ўтди.

Ўқитувчилардан М. Каримов, И. Юсупов, талабалардан У. Мўйдинова, Э. Мамажановалар ҳам барчани умумхалқ Референдумида фаол иштирок этишга қақридилар.

Митинг қатнашчилари Олий Мажлисининг референдум ўтказиш тўғрисидаги қарорини қўллаб-қувватлашга ва юртимиз раванқига муносиб ҳисса қўшишга барчани даъват этиб, мурожаатнома қабул қилдилар.

А. МАДАТОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Зангиота туман марказий касалхонасида йиғилиш бўлиб ўтди. Унда республика Олий Мажлиси биринчи сессияси қарорларидан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама қилинди.

Марказий шифохона бош шифокори Р. Низомов Ўзбекистон Республикаси Президентининг сессияда қилган маърузасидан келиб чиққан ҳолда, шифохона маъмурияти олдида турган вазифалар ҳақида гапирди. У маърузада баён этилган режаларни амалга оширишда шифохона жамоаси ҳам ўзининг муносиб

ҳиссасини қўшиши кераклигини таъкиллади. Шунингдек, у умумхалқ Референдумини ушўқоқлик билан ўтказиш ҳақида ҳам таъкиллади.

Йиғилишда сўзга чиққан кишилар, жумладан, бош шифокор муовини А. Иноғомов, жарроҳлик бўлими мудир Ю. Худоев 26 мартда республика Президентини ваколатини узайтириш юзасидан умумхалқ Референдумини ўтказиш тўғрисидаги Олий Мажлис қарорини қўллаб-қувватладилар.

Г. САОДАТОВА.

ЯНГИ ЦЕХ ИШГА ТУШИРИЛДИ

Самарқанд электромеханика заводи шаҳардаги ўнлаб саноат корхоналарининг бири.

Лекин унинг бошқа заводи ва фабрикалардан фарқи шундаки, у ҳўзирги мушкул иқтисодий шароитда ҳам ишлаб қақариш сурьати ва ҳажминини тобора оширишга эришмоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири заводнинг халқ истеъмоли молларини тайёрлашни кўпайти-

раётганлиғидир. Аини вақтда корхонада белкурак, челак, қайчи, пичоқ, қандиллар ишлаб чиқарилмоқда. Ана шулар ҳисобига завод жамоаси олаётган даромад тобора ошмоқда. Бу ерда янги ишчи ўринлари яратилляпти. Фақат шу йилнинг ўзида корхонада ишловчилар со-

ни 30 кишига ортди. Яқинда заводда сопол буюмлар цехи ҳам ишга туширилди. Янги цехда чиннидан қолишайдиган қилиб ишлов берилган вазалар, балзам ичимлиги учун идишлар чиқарила бошланди. Бу цех ишга туширилиши тўғрисида яна 40 ишчи ўрни яратилди.

М. МУҚИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ТИЛ ВА ТАРАҚҚИЁТ

Анджесонда «Хоржиёқ тиллар ва Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти» маърузида халқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Анжуманда республика олий ўқув юртлари олимлари, АҚШ, Туркия республикаси элчихоналарининг маъсул ходимлари, маҳаллий ишлаб чиқариш корхоналари раҳбарлари, савдо, банк ходимлари, иқтисодчилар, тил ўргатиш марказлари мутахассислари ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Унда бозор иқтисодиётига ўтиш даврида тил, иқтисодиёт ва тадбиркорлик, атамашунослик ва таржима, лугат турлари ва уларнинг моҳияти, қўшма кор-

ҚОРАҚУЧИАЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАРИ

Копимех туманида Навоий вилояти қоракўчаларининг кенгаши бўлиб ўтди. Унда «Навоийқоракўча» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори Я. Ҳалилов қоракўчаларнинг иқтисодий ислохотларининг амалга оширилиши ҳамда навбатдаги вазифалар тўғрисида маъруза қилди.

Йиғилишда таъкидланганидек, аини пайтда яйловларда 1 миллион 214 миңг бош қўй-эчки бор.

(ЎЗА).

17 март куни Ўзбекистон Касаба уюшмаларининг XV қурултойи очилди

Биз тарихий, тўб ўзгаришлар даврида яшамоқдамиз. Бугунги кунимизнинг ҳўсуийлатлари, жаҳмиат ва олават олдида турган вазифалар Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси биринчи қақриқ Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги маърузасида атрофлича ертиб берилди. Жамоатчилик Олий Мажлисининг Президент ваколатлари муддатини 2000 йилгача узайтириш юзасидан умумхалқ Референдуми ўтказиш тўғрисидаги қарорини қўзғиб маъқуллаб, мамнуият билан кутиб олди. Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши Раёсатининг кенгайтирилган мажлисида мамлакатимизда амалга ошириляётган иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар қўзғиб қўллаб-қувватлаб, Президентнинг маърузасидан касабаси ташкилотлари учун келиб чиқадиган вазифаларни амалга оширишга қаратилган таъбирлар белгилаб олинди.

Тарихнинг кескин бурилиш пайтларида вақт ўзгача мезонлар касб этасди. Уни календарь варақлари билан эмас, балки эл-юрт, Ватан раванқи, халқ бахт-саодати йўлида амалга ошириляётган ўзгаришларнинг теранлиги, миқёслари ва қўламлари билан ўлчай бошляшди.

Шу маънода кейинги йиллар бутун бир тарихий даврни ташкил этди. Мамлакатимиз мустақил тараққиёт йўлига ўтиб, буюк келажак сари тобора шаядам олимламоқда. Бозор иқтисодиёти шароитида демократик ҳўқуқий давлат вужудга келмоқда. Қонун чиқарувчи энг юқори идора-Олий Мажлисга кўппартиявийлик асосида ўтказилган сайловлар халқимизнинг, аҳоли барча қатламларининг мамлакатимиз раҳбарияти амалга ошираётган ички ва ташқи сиёсатини кенг равишда қўллаб-қувватлаётганлигини ёрқин намойён этди.

Ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги янгиликлар тўғрисида Ўзбекистон касабаси уюшмаларининг макъси ва роли ҳам тўдан ўзгарди. Касаба уюшмалари, уларнинг ҳўқуқлари ва фаолиятининг қабул қилинган тўғрисидаги қонуннинг қабул қилиниши билан мана шу ўзгаришларнинг ҳўқуқий асоси яратилди, уларнинг иш юритиш меъёлари ва мезонлари қонун йўли билан мустақамлаб қўйилди.

Ўз сафида 7,5 миңдан ортиқ ишчилар, деҳқонлар, халқ ҳўжалиги мутахассислари, зиёдилар, талаба ва ўқувчилари бирлаштирган касабаси уюшмалари бугунги кунда энг оммавий жамоат ташкилотига айланди. Улар ўз ишларини ижтимоий шерикчилик қўлларини асосига қўриб, жаҳмиатимизда барқарорлик, фуқаролар ва миллатлараро тувеликни таъминлашга катта ҳисса қўшмоқдалар.

Кўп укладли иқтисодиёт шароитида касабаси уюшмалари ўз мақсад ва вазифаларини, иш усулларини ва услубларини, олис ва яқин фурсатдаги фаолият русулларини қайта кўриб чиқмоқдалар. Шу кунларда Тошкентда иш бошлайдиган касабаси уюшмаларининг XV қурултойи ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий шароитга монанди Ҳаракат дастури ва Низомини қабул қилиб, Ўзбекистон касабаси уюшмалари ҳаракатини сифат жиҳатдан янги даражага олиб чиқиши керак.

Касаба уюшмалари мамлакатимизда амалга ошириляётган ислохотларнинг қонунчилик ва меъёрий асосларини шакллантиришда фаол иштирок этмоқда. Яратилётган қонунларимиз жаҳмиятда сиёсий, миллатлараро, ижтимоий ва моддий тенгликни таъминлайдиган, меҳнаткаш инсонни ижтимоий муҳофазалайдиган асосга эга бўлишга катта эътибор берилмоқда.

Аҳолининг иш билан бандлиги, давлат пенсияси билан таъминлаш, ҳўсуийлаштириш, тадбиркорлик фаолияти, чет эл инвестициялари тўғрисидаги ва бошқа қонунларнинг лойиҳаларини тайёрлаш жараёнига касабаси уюшмалари ана шундай нуқтаи назардан ёндашилди.

Бугунги кунда фуқароларнинг сиёсий жараёнларда, давлатни бошқаришда қатнашувини янада фаоллаштирадиган ҳўқуқий асосларни такомил-

лойдалана олмаётганлар. Қонуннинг бажарилиши устидан жамоат назорати суст.

Шу мақсадда жамоат шартномалари ва битимларининг таъсир қувватини ошириш вақти келди. Бу муҳим ҳўжатларнинг қонуний кучи касабаси уюшмаларининг ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштириш, меҳнаткашларнинг ҳақ-ҳўқуқларини ва манфаатларини ҳўмоа қилиш соҳасидаги фаолиятида аиниқса ҳаққол намоён бўлимоғи керак.

митаси ягона мақсад йўлида ҳамкорлик қилаётган, технологиялар янгилаётган, рақобатта бордошли маҳсулотлар ишлаб чиқариляётган, молларни етказиб бериш ва тўлов масалалари илчил ҳал этиляётган жойларда ҳодимларнинг иш ҳақи ва бошқа даромадлари юқори бўлмоқда. Ижтимоий масалалар самарали ҳал этилмоқда.

Бинобарин, касабаси уюшмалари иқтисодий ислохотлар муваффақияти, халқ ҳўжалигини

КАСАБА УЮШМАЛАРИ ТУБ СИЁСИЙ, ИЖТимоий-ИҚТисодий ўзгаришлар амалга ошириляётган ҳўзирги босқичда оммавий ва таъсирчан кучга айланмоқда

лаштириш эҳтиёжи тобора кучаймоқда. Бунис демократик оидл жаҳмият қуриш вазифасини удаллаб бўлмайди. Бу ўринда гап сиёсий партиялар, бирлашмалар, касабаси уюшмалари, ёшлар ташкилотлари, турли иждоий уюшмалар фаолиятини ривожлантириш жамоат ташкилотларини тўғрисидаги қонун ҳўсуида. Бу ҳақда Олий Мажлисининг сессиясида ҳам атрофлича сўз юритилди. Дарҳақиқат, жаҳмиатимиздаги барча кучлар, шу жумладан, касабаси уюшмалари савий-ҳаракатини фаоллаштириш кўзда тутилётган ислохотларни тўла ҳажмида амалга оширишда гўят муҳимдир.

Аини пайтда ҳўзирги ижтимоий-иқтисодий вазият тақозо этяётган қонунлар тизимини яратиш ишини ҳам тезлаштириш зарур. Бу ўринда энг катта иш ҳақи, энг катта истеъмол бюджети, истеъмолчиларнинг ҳақ-ҳўқуқларини муҳофазаси қилиш тўғрисидаги қонунлар кўзда тутилмоқда. Уларни илдамлаб тайёрлаш, кўриб чиқиш ва қабул қилиш лозим. Биз қурултойида шу масалалар ҳўсуида муфассал фикрлашиб олмақчимиз.

Лекин қабул қилинган яхши-яқши қонунларнинг бажарилиши мутлақо бошқа гап. Афуски, уларга ҳамиша ҳам амал қилинмаяпти. Очиги, бизда ҳали қонунлар устиворлигини эътироф этиш, қонун талабларига бўйсунуш салоҳияти етишавермайди. «Ҳўқуқий маданият даражаси фақат қонунларни билиш, ҳўқуқий маълумотлардан хабардор бўлишдангина иборат эмас, — деди Президент Олий Мажлис сессиясида, — У қонунларга амал қилиш ва уларга бўйсунуш маданияти демакдир».

Афуски, худди шу масалада эътиборсизлик, ўзбошимчилик ҳануз кучли. Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши, аъзо ташкилотлари «Меҳнат муҳофазаси тўғрисидаги» Қонун қабул қилинишига кўп ҳисса қўшдилар. Яхши қонунга эга бўлди. Бироқ, турли баҳоналар, аиниқса, маблағ етишмаслиги ниқоби остида меҳнат шартини яхшилаш, ҳарфизлик техникасини жорий этиш, иш жойларини тартибга келтириш масалаларини ҳал этмаслик ҳоллари ҳануз учраб турибди. Иш шартининг ёмонлашуви, одамларнинг соғлиги, атроф-муҳитнинг ифлосланиши, эвазига маблағни тежашга уринаятган мулк эгалари йўқ эмас. Касаба кўмиталари ва кенгашлари ҳамиша ҳам бу ҳўсуида талабчанлик кўрсатмайтирлар, ўз қонуний ҳўқуқларидан аҳволни яхшилашда мукамал

Жамоат шартномалари ва битимлар жаҳмият ҳаётидаги бир қатор муаммоларни юмшатиш ва ечишда бошқарув, ҳўжалик идоралари билан касабаси уюшмалари ҳамкорлигини мустақамлашнинг асосий омил бўлиши керак. Бу ҳўжатлар пухта ўйлаб ишлаб чиқилган, ўзаро келишилган режаларни рўбга қиришга кунт билан астойдил иштирилган жойларда турмуш даражасини кўтариш учун қўшимча имконлар юзага келмоқда. Бир қатор вилотлар, шаҳарлар ва туманларда имтиёзлар ва қабул қилинган доирасини кенгайтиришга маҳаллий имкониятлар фаол жалб этиляпти.

Бироқ бу ишлар одамларнинг муайян қатламда боқимандалик қайғитини кучайтирмаслиғи керак. Биз қурултойида мулоҳазаси юритилган иккинчи асосий масала шу. Бошқача қилиб айтганда, касабаси ташкилотлари яқин йилмишда «қайта қуриш» бўлган боғлиқ ҳолда юзага келган айрим ҳўлатлардан холос бўлиб олишлари, ишлаб чиқаришни ташкил этиш, янги техника ва илгор технологияларнинг жорий этиш билан кун сайин шуғулланишлари талаб қилинади. Меҳнатни ташкил этиш, унинг унумдорлиги, маҳсулот сифати, рақобатта бардошлилиги масалаларини илчил ҳал қилмасдан туриб, биз ҳеч қачон турмуш фаровонлигини кўтара олмаймиз. Касаба уюшмалари бу ишларни йўлга қўйишга бош-қош бўлишлари лозим. Бунис иқтисодий, ижтимоий, маданий-маърифий масалаларни ечиш асло муаммий эмаслигини ҳамма ва ҳаммамиз чуқур англаб олишимиз керак.

Булар эски гаплар, эскича ёндашувлар дейишлари мумкин. Агар биз шу каби андишалардан, қарашлардан қанчалик тез қутулиб, касабаси ташкилотларининг иқтисодий-ижтимоий ҳаётига муносиб ўрнини тезроқ топа оласак, шунча яхши. Жаҳон касабаси уюшмалари ҳаракатининг тажрибаси ҳам шундай. Ишлаб чиқаришга ёрдам бериш, жамоа аъзолари унумди, сифатли меҳнат қила олишини таъминлайдиган шароитларни юзага келтиришга қўмқлашиш касабаси ташкилотларининг биринчи даражадаги вазифаси бўлиши керак. Шундагина ишлаб чиқариш сурьати ошиб, маҳсулот сифати яхшиланади, шундагина барча талаб ва эҳтиёжларни қондириш учун моддий асос яратилади.

Бизда бу борада ҳам ибратли мисоллар бозорда. Турли қийинчиликларга қарамадан, маъмурият билан касабаси қў-

ривожлантириш учун ҳамма кўринишдаги мулк эгалари, ҳўкимият ва ҳўжалик идоралари, ҳиссадорлик жаҳмиятлари, ишбилармонлар ва тадбиркорлар билан ижтимоий ҳамкорликни бевоасита тўла олишлари талаб қилинади. Ислохотларнинг ҳўқуқий асосларини кенгайтиришга улар янада самарали ҳисса қўшишга даъват этилганлардир. Фақат шундагина биз иқтисодиётдаги ҳўзирги барқарорлик ва ўсиш тамойилларини қучайтира оламиз.

Кўп укладли иқтисодиёт шароитида иш билан банд эмаслик муаммосини бартарф этиш алоҳида долзарб аҳамият касб этапти. Ҳар бир фуқаро ўз малакаси, қизиқишига қараб меҳнат қила олиш ҳўқуқидан тўла фойдаланишларини таъминлаш касабаси ташкилотлари олдида муҳим вазифа бўлиб турибди. Биз ишсизлик муаммосида илмий асосда, ижтимоий-иқтисодий нуқтаи назардан ёндашимиз керак. Ишга жойлаштириш ва ҳодимларни бошқа касбларга тайёрлашнинг давлат хизмати билан касабаси ташкилотлари ишсизликнинг олдини олиш тадбирларини илчил амалга ошираётганлиқларининг боиси шунда. Энг муҳими, янги иш ўринлари очиб кенг қўллаб-қувватланиляпти. Аиниқса, қишлоқда кичик корхоналар, хизмат кўрсатиш тармоқларини кенгайтиришга алоҳида эътибор берилляпти.

Мана шу ишлар пировардида барча фуқаролар учун муносиб турмуш шароитларини ташкил этишга олиб боришга шак-шубҳа йўқ. Президентимиз Олий Мажлисда маънавий жиҳатдан мукамал ривожланган инсонни тарбиялаш, таълим ва маорифни ривожлантириш, соғлом авлоднинг вожа етказиш давлатимизнинг энг муҳим вазифаларидан эканлигини алоҳида таъкиллаганлиқлари бежиз эмас.

Касаба уюшмалари бу вазифаларини бажаришнинг уларнинг кутубхона, клуб, маданият саройлари, бадий ҳаваскорлик ҳаракати, спорт-соғломлаштириш мактаблари, болалар оромгоҳлари, шифо касалхоналари шу режаларни рўбга чиқаришга даъват этилганлардир. Афуски, сўнгги иқтисодий қийинчиликлар бу масалаларнинг бир маромдаги фаолиятини бирмунча издан чиқариб юборди. Бу масалаларнинг моддий-техника замирига муайян пугур этди.

Аммо кундалик ҳаётимиз ақс тажрибаларга ҳам бой. Ишлаб чиқариш маромини кўта-

риб, кўпгина меҳнат жамоалари ҳўзирги шароитда ҳам қадриятларимизни тиклаш, маънавиятни юксалтириш, турмуш маданиятини ошириш, соғломлаштириш ва дам олириш кўламини кенгайтириш имконларини топмоқдалар. Янги-янги санаторийлар, санаторий-профилакторийлар, болалар оромгоҳлари очилмоқда, иждоий ва бадий ҳаваскорлик жамоалари шаклланимоқда. Шунини айтиш қиёфаси, касабаси уюшмаларининг дам олиш уйлари ва шифо масканларига ҳар йили 450 миңга яқин фуқаро имтиёзли асосларда йўлланма олмақда. Болалар оромгоҳларида 500 миңдан зиёд ўсмир ўз ёзи таълимини ўтказяпти. Қорақўлпоғистон Республикаси, Хоразм вилоятининг Оролбўйи экологик тағлиги оқибатларида саломатлиги ёмонлашган болаларни экологик тоза минтақаларда соғломлаштиришга эътибор қучайтирилмоқда.

Мамлакатимиз мустақил тараққиёт йўлига кириши билан касабаси уюшмалари фаолиятларида янги бир йўналиш пайдо бўлди. Мен бу ўринда Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, бошқа аъзо ташкилотларнинг халқаро алоқаларини назарда тутаяпман. Ҳўзирча 20 дан ортиқ чет эл ва халқаро касабаси марказлари билан амалий муносабатларга киришилди. Федерация кенгаши Халқаро Меҳнат Ташкилотига тўла ҳўқуқли аъзо бўлиб кирди. ГИД давлатлари билан бирдорлик муносабатларимиз табора амалий тус олмақда. Марказий Осиё мамлакатлари касабаси уюшмаларининг мувофиқлаштириш Кенгаши самарали иш олиб борапти. Бозор муносабатларига ўтган мамлакатлар касабаси марказлари тажрибасини ўрганиш амалий фаолиятимизни бойитмоқда. Кўпгина халқаро ва миллий касабаси марказлари ушбу қурултойида иштирок этиш учун ўз вакилларини юборганлиги Ўзбекистонга, унинг мустақил ички ва ташқи сиёсатига жаҳон ҳамжаҳмиятида қизиқин қанчалик катта эканлигининг ёрқин тисолидир. Биз бу алоқаларни яна ҳам кенг тўла олиришимиз, турли бўғин касабаси ҳодимлари чет эллик ҳамкасблари иш йўсинларини асоси равишда ўрганишлари учун янада кенг йўл очиб беришимиз керак.

Эртага иш бошлайдиган қурултойимиз бошқа бир муҳим санага — Ўзбекистон касабаси уюшмалари ҳаракатининг 70 йиллигига тўғри келмоқда. 1925 йилнинг 21-25 март кунлари Ўзбекистон касабаси уюшмаларининг биринчи қурултойи бўлиб ўтган эди. Шу йиллар мобайнида жуда катта йўл босиб ўтилди. Биз тарихий сабоқларни умумлаштириб, бугунги вазифаларимизни чуқур таҳлил қилиб, келгуси режаларимизни ойдинлаштириб олишимиз керак. Бу борада ҳам бўлажак қурултойимизнинг аҳамияти катта бўлади, албатта. Биз қурултойида Ўзбекистон фуқароларини Президентимиз ваколатларини 2000 йилгача узайтириш учун 26 мартда ўтказиладиган умумхалқ референдумида фаол иштирок этишга даъват қиламиз.

Барча бўғин касабаси кўмиталари ва кенгашлари бутун сиёсий ташкилотчилик ишини референдумини ушўқоқлик билан ўтказишга йўналтирмоқдалар керак. Бу борадаги илчиллик, соғлом фикрлик, собитқадамлик келажак буюк оидл демократик давлатни вужудга келтириш, меҳнаткашлар барча қатламлари турмуш даражасини кўтариш вазифаларини муваффақиятнинг таъминлаш ишга салмоқли ҳисса бўлиб қўшилишига шак-шубҳа йўқ.

Хўлқар ЖАМОЛОВ, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг раиси.

ХОТИРА ҲАМИША АРДОҚЛИ

Урушда қурбон бўлганлар хотирасини ёд этиб туриш, бугунги оёсийишта кунларимизга улар замин яратиб кетганликларини унутмаслик, биз тириклар учун ҳам фарз, ҳам қарзидир. Бу борада Тошкент вилоятининг Чиноз тумани халқ маорифи бўлими, уруш ва меҳнат фахрийлари кенгаши ҳамкорлигида қатор режалар, тадбирлар амалга оширилмоқда. Бундан етти йил аввал туман маданият бўлимининг собиқ бошлиғи А. Орипов ташаббус билан уруш ва меҳнат фахрийлари музейи ташкил этилган эди. Мазкур музейдаги бир миңдан ортиқ экспонатлар — медаллар, суратлар, хатлар ва шаксий буюмлардан иборат. Шунингдек, бу ерда уруш ва меҳнат фахрийлари билан мактаб ўқувчиларининг учрашувлари, қизиқарли суҳбатлар ҳамда концертлар ҳам ўтказиб туриляди.

И. ПОРТНОВ.



Урушда қурбон бўлганлар хотирасини ёд этиб туриш, бугунги оёсийишта кунларимизга улар замин яратиб кетганликларини унутмаслик, биз тириклар учун ҳам фарз, ҳам қарзидир. Бу борада Тошкент вилоятининг Чиноз тумани халқ маорифи бўлими, уруш ва меҳнат фахрийлари кенгаши ҳамкорлигида қатор режалар, тадбирлар амалга оширилмоқда. Бундан етти йил аввал туман маданият бўлимининг собиқ бошлиғи А. Орипов ташаббус билан уруш ва меҳнат фахрийлари музейи ташкил этилган эди. Мазкур музейдаги бир миңдан ортиқ экспонатлар — медаллар, суратлар, хатлар ва шаксий буюмлардан иборат. Шунингдек, бу ерда уруш ва меҳнат фахрийлари билан



Диёримизда Наврўз байрамини нишонлаш, уни кўтаринки кайфиятда ўтказиш учун тайёрларлик ишлари алаҳқачон бошланган. Кўчалар, хибоблар, байрамона безатилляпти, тозалик-ободончилик ишлари олиб борилмоқда. Байрам кунлари халқ сайиллари, театрлаштирилган томошалар ўтказиш одат тусига кирган. Шу муносабат билан ҳозирликка Маданият ишлари вазирлиги томонидан қандай ҳужжатлар кўрилатганини сўраб мухбиримиз вазир ўринбосари Баҳодир АБДУРАҲИМОВГА мурожаат этди.

— Баҳодир ака, бир неча кундан сўнг яшнав ва яшариш байрамини Наврўзи оламни шоду-хуррамлик билан кутиб оламиз. Табиийки, ҳар қандай байрам бадий,

байрамни кўтаринки руҳда ўтказиш учун кўпгина

АВВАЛГИЛАРГА ҲАМ

ҳаваскор жамоаларнинг чиқарилган, театрлаштирилган томошалар билан маънавий байрамнинг ҳақиқатини аниқлаш учун ва зарурлик томонидан қандай ишлар қилинапти?

— Маълумки, Наврўз — бутун халқ байрами. У республикамизнинг барча вилоятлари ва туманларида нишонланади. Шунинг учун байрамни ўтказиш тартиби жойларда ўзига хос ранг-баранглик ҳам касб этади.

Ҳар қандай умумхалқ маросимининг бош тўйхонаси бўлади. Бу йилги республика Наврўз байрамини нишонлаш учун пойтахтимиздаги Алишер Навоий номи миллий бонимиз белгиланган. Биз

чора-тадбирларни белгилаб олдик. Авваламбор Наврўз байрамини ўтказиш сценарийси бўйича кўрик-танлов эълон қилинди. Танловни ўтказиш учун санъатшунос олимлар, драматурглар, халқ шоирлари, режиссёрлардан иборат ҳайрат тузилди. Кўрик-танловга 15 та сценарий тақдим этилди. Улардан Хуршид Давроннинг «Наврўзи олам» сценарийси 1-мукофот, Ҳайитмас Расул ва Нодир Норматларнинг «Туронга Наврўз келди» сценарийлари иккинчи, Машраб Бобоевнинг «Ҳар куннинг Наврўз ўлсин» сценарийси 3-мукофотга лойиқ деб топилди. 21 март кунини Миллий боғда бўлиб ўтадиган байрам томошалари Хуршид Дав-

роннинг «Наврўзи олам» сценарийси асосида олиб борилди. Шунингдек, шу кунини «Ором» болалар гуруҳи, «Тановар», «Шодлик», «Зарафшон», «Уйғур» дасталарининг ҳамда «Баҳор» халқ ансамблининг чиқишлари бўлади. Танловга келган худудларида халқ сайиллари, маданий тадбирлар ўтказиш учун тақдим этилди.

— Нишонланаётган байрамларнинг ўзига хос, бир-бирига ўхшаш ва бир-бирдан фарқли томонлари бор. Шу ўринда бу йилги Наврўз байрамини томошаларини ўтказиш аввалгилардан нимаси билан фарқ қилади?

— Олдинлари кўпроқ эътибор халқ сайилларини ўтказишга жалб қилинган бўлса, бу йилги байрам асосан театрлаштирилган

саҳна асарлари йўсинида ўтади. Асосий ролларни Муқимий, Йўлдош Охунбобоев номидаги ёш томошабинлар театрлари, Максим Горкий номидаги академик театрнинг артистлари ижро этишади. Байрам кунини Миллий боғдан иборат ҳайрат тузилди. Кўрик-танловга 15 та сценарий тақдим этилди. Улардан Хуршид Давроннинг «Наврўзи олам» сценарийси 1-мукофот, Ҳайитмас Расул ва Нодир Норматларнинг «Туронга Наврўз келди» сценарийлари иккинчи, Машраб Бобоевнинг «Ҳар куннинг Наврўз ўлсин» сценарийси 3-мукофотга лойиқ деб топилди. 21 март кунини Миллий боғда бўлиб ўтадиган байрам томошалари Хуршид Дав-

роннинг «Наврўзи олам» сценарийси асосида олиб борилди. Шунингдек, шу кунини «Ором» болалар гуруҳи, «Тановар», «Шодлик», «Зарафшон», «Уйғур» дасталарининг ҳамда «Баҳор» халқ ансамблининг чиқишлари бўлади. Танловга келган худудларида халқ сайиллари, маданий тадбирлар ўтказиш учун тақдим этилди.

— Олдинлари кўпроқ эътибор халқ сайилларини ўтказишга жалб қилинган бўлса, бу йилги байрам асосан театрлаштирилган



Улуғ айём арафасида кўчат экиш халқимизнинг азалий одатидир. Бу тадбир Асака туманидаги «Асака» ширкатлар уюшмасида ҳам уюшқоқлик билан амалга оширилмоқда. Уюшма аъзолари янгидан боғ-роғлар ташкил этиши, мавжуд боғларни эса кўчатлар билан тўлдириб ишига алоҳида эътибор беришмоқда. СУРАТДА: уюшма аъзоси Аминжон ота Умрзоқов набиралари Элмурод, Холмуродлар билан кўчат экимоқда. Т. ҲАМРОҚУЛ олган сурат.

ҲАШАРДА ҲАШАРДА ҲАШАРДА

Ҳадемай ўлкамизга ўзининг хушбўй нафасини таратиб кўм-кўк баҳор ва Наврўз кириб келади. Табиат чиройига-чирой кўшувчи фасллар келинчаги ва шарқона янги йилни кутиб олиш ўзбекларда доимо атроф-муҳитни тозалаш, ариқ-каналлар қазизиш ва турли кўчатлар экиш каби хайрли юмушлардан бошланади.

Пойтахтимиздаги Собир Раҳимов туманига қарашли Юсуф Шомансуров номи 11-ўрта мактаб ўқувчилари ушбу хайрли ишларга ўз ҳиссаларини қўшиш мақсадида Соғбон кўчасидаги «Иттифок» маҳалласига ҳашарга боришти. Ҳашарчилар маҳалла кўчалари ва унинг худудидан ўтгучи «Кайковус» каналини ташландик нарсалардан тозалаш, ён-атрофларига дарахт кўчатлари ўтказишда ёрдамлашди. Шунингдек, маҳалла ободончилиги йўлида айрим камхар оилалар ҳовлисини тартибга келтириб қўйишти.

У. ҲАЙДАВЛОВ, ўз мухбиримиз.

БАЙРАМ — БИР КУНЛИК ЭМАС

Сурхондарёда ҳар йилги баҳор байрамини шодиёналарнинг зўри Сароисиё туманида бўлиб ўтади. Сароисиёликлар бу йилги Наврўз айёмига қандай ҳозирлик кўришмоқда? Мухбиримиз туман ҳокимининг ўринбосари Гофуржон Фаттоев билан аниқ шўҳақда суҳбатлашди.

— Биз ҳар йил Наврўз тантаналарини Тўпаланг дарёси соҳилидаги катта сайилгоҳда ўтказамиз. Бу йилги Наврўз шодиёналарига ҳосил байрами ҳам қўшилиб кетадиган бўлди. Шунинг учун мазкур сайилгоҳда катта саҳна тайёрланди. Тумандаги ўн та халқ ансамблилари унда томоша кўрсатади. Бундан ташқари, катта кураш ва ажойиб кўпқари ҳам уюштирилади. Спортнинг замонавий ва миллий турлари бўйича мусобақалар

уюштириш режалаштирилган. Фолиблар учун иккита от, олти та хўкиз, 30 та қўй ва 20 та сарка ажратилган.

Табиийки, байрам дастурхонини Наврўз таомлари беазаиди. У қанчалик тўкин-сочин бўлмасин, барибир кимлардир бундай хурсандчиликларда иштирок этиша олмайди. Улар — касалманд қариялар ва ногиронлардир. Биз шу кунини таъминоти ноҳор ногиронларга минг килограмм гуруч, икки юз донна совун, икки юз килограмм шакар, уч минг донна пайпоқ ва бошқа нарсаларни совға тариқасида улашиш учун ажратганмиз.

Шундан сўнг, Наврўз хурсандчиликлари маҳаллаларга, меҳнат жамоаларига кўчди. Чунки Наврўз — бир кунлик байрам эмас.

Тождил РАЗЗОҚ, «Халқ сўзи» мухбири.

Спорт ОСИЁ

ЧЕМПИОНАТИ ОПДИАН «ТЕСТ»

Велоспорт бўйича Ўзбекистон охиқ биринчилиги ўтказилди. Унда республикамиз спортчиларидан ташқари Қозоғистон, Қирғизистон ва Россия велоспортчилари ҳам қатнашишти.

Ўн беш километрлик пойгада ҳамюртларимиз Сергей Крушевский барча рақибларини орта қолдириди. Аёллар баҳсида эса қозоғистонлик Наталья Литвинова юқори натижа кўрсатди. Шунинг айтиши жоизки, бизнинг энг кучли велопойгачимиз Фатма Галиуллина бетоблиги боис ушбу мусобақадан қатнашмади.

80 км масофа бўйича гуруҳ пойгада фақат эркеклар қатнашишти. Унда бизнинг ҳарбийчилар В. Прокофьев, С. Арьков ва С. Крушевский энг яқин таъкибчиларини бир дақиқа орта қолдиришти. Ушбу мусобақа велопойгачиларимиз учун апрель ойида Филиппинда ўтказилган Осие чемпионати олдидан ўзига хос кўрик вазифасини ўтади.

РУСТАМ ҲАШИШ ПОҒОНАЛАРИДА

Тезкор шохмат бўйича ўтказилган бу йилги Ўзбекистон кубоги баҳсларида биринчи раундда шохматчилардан тортиниб, мамлакатимизнинг энг кучли гротмейстерлари ҳам қатнашишти.

Мусобақа швейцарча услубда ўтказилди. 31 нафар шохматчи қатнашган кубок баҳсларида олдидан кутилганидек гротмейстер Григорий Серпер 11 имкониятдан 10,5 очко жамғариб ғалаба қилди. Тошкентлик ёш шохматчи (16 ёш) Рустам Қосимжонов иккинчи ўринни эгаллаб, ҳақиқатан ҳам истеъдод соҳиб эканлигини яна бир бор исботлади. Рустам билан бир хил очко тулғанга спорт устаси Иброҳим Каримов қўшимча курсаткилар бўйича учинчи ўринни эгаллади. Ўзбекистон кубоги мусобақасининг пешкадамлари — Г. Серпер ва Р. Қосимжонов тезкор шохмат бўйича Осие чемпионатида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритишти.



«Орол» жамоа ҳўжалиги меҳнатчиларига бугунги ўтиш даври кийинчиликлари қарамай Мўйноқ тумани аҳолисини турли сазавот ва гушт, суг маҳсулотлари билан таъминлашда астойдил меҳнат қилмоқдалар. Мавжуд муаммоларни ҳал қилиш мақсадида жамоа ҳўжалигида чорвачиликка ихтисослаштирилган «Алғабас» ҳиссадорлик жамияти ташкил этилди.

Ҳозир ҳиссадорлик жамиятида 500 бош зотдор қорамол, 60 та чўчка боқилляпти. СУРАТЛАРДА: 1. Мазкур жамоа ҳўжалиги бош муҳандиси А. Шерниёзов ва механизатор Ж. Темирханов. 2. Чорвадор М. Есболатов. А. МУРОВОТ олган суратлар (ЎЗА).



«Орол» жамоа ҳўжалиги меҳнатчиларига бугунги ўтиш даври кийинчиликлари қарамай Мўйноқ тумани аҳолисини турли сазавот ва гушт, суг маҳсулотлари билан таъминлашда астойдил меҳнат қилмоқдалар. Мавжуд муаммоларни ҳал қилиш мақсадида жамоа ҳўжалигида чорвачиликка ихтисослаштирилган «Алғабас» ҳиссадорлик жамияти ташкил этилди.

Ҳозир ҳиссадорлик жамиятида 500 бош зотдор қорамол, 60 та чўчка боқилляпти. СУРАТЛАРДА: 1. Мазкур жамоа ҳўжалиги бош муҳандиси А. Шерниёзов ва механизатор Ж. Темирханов. 2. Чорвадор М. Есболатов. А. МУРОВОТ олган суратлар (ЎЗА).

Бугунги кунда тадбиркор сифатида иш бошлашга ҳамма ҳам журъат этавермайди. Югур-югурларнинг охири йўқдай туюлади. Бир тарафдан маблағ масаласи. Аммо Абдурашид Абдусаломов кийинчиликларида чўчимасди. Бундан икки йил аввал Самарқанд шаҳрида сутни қайта ишлашга мўлжалланган кичик цех барпо этди. Тез орада ишлар юришиб кетди. Асбоб-анжомлар Украинадан келтирилди, баъзиларини ўзлари ясаб олишти.

Ҳозир кичик корхонанинг кунлик иш қуввати 20 тоннага етди. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турлари эса ўндан охиб кетди. Ишлар ривож топгач, цех фирмага айлантирилиб, «Парвина» деб номланди. Фирма сутни қайта ишлашга мўлжаллангани боис хомашё ҳўжалик фермалари, фермер ҳўжаликлари ва суг тайёрлов пунктларидан шартнома асосида келтирилмоқда. Фирмада тайёрланаётган сариёғ, пишлоқ, қаймоқ, қатиқ каби маҳсулотлар шаҳарнинг 40 дан ортиқ дўконла-

рида ва пойтахтдаги бир қанча савдо шохобчаларида сотилмоқда. Маҳсулотлар сифатлиги ва арзонлиги билан харидорғир. Аини пайтда фирмада юзга яқин ишчи-хизматчи шартнома асосида меҳнат қилаяпти. Ҳар бир ишчининг ойлик маоши ўртача 600-700 сўмни ташкил этади. Бундан ташқари, ишчиларга ҳар ойда корхонада тайёрланган маҳсулотлар арзон нархларда сотилмоқда. Корхона ишчилари

«Наврўз» байрамида хайрия ишлари учун бундан ҳам кўпроқ маблағ ва совғалар ажратилиши режалаштирилган. Юртбошимизнинг тадбиркорлигини ривожлантириш борасидаги қатор фармонлари барча ишбилармонлар сингари Абдурашул акага ҳам куч-қувват, меҳнатига унум бағишлади. Фирма раҳбарияти бу йил мрамарни қайта ишлаш цехи қуриш ва яна икки юз кишига мўлжалланган меҳмонхона мажмуини барпо этишни мақсад қилиб қўйган. Иш жараёнининг тўлиқ компьютерлаштириш ҳам уларнинг бу йилги режаларига кириди. «Парвина» эришаётган ютуқлар эса бу мураккаб юмушлар ҳам бажарилишидан далолат беради. Баҳодир ОСТОНАҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«ПАРВИНА» ҚАНОТ ЁЗМОҚДА

Кўшма корхона "ЦАХИФ ЛТД"
Тошкентдаги омбордан чет элда ишлаб чиқарилган олий навли, ниҳоятда сифатли гулли духобаларни пул ўтказиш йўли билан сотади.
Манзилгоҳимиз: "Мустақиллик майдони-5", корпус-3, Тошкентдаги шаҳар ХДП биноси,
тел.: 39-43-20.

Тошкентдаги омборхонадан товарлар сотамиз:
1. Электрон ҳисоблаш машинаси IBM 386 DX/387, 40, 4, 170-420, SVGA /0,28/
2. Принтер EPSON FX-1000.
Манзилгоҳимиз:
Тошкент, Академиклар шаҳарчаси, Ф. Кўжаев кўчаси, 31, 33-қўй.
тел. 62-74-86, 69-95-82.

Татаристон Республикасининг Ўзбекистон Республикасининг доимий ваколатхонаси Ўзбекистон ва Татаристон халқ рессоми
Чингиз АХМАРОВНИНГ вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардик билдиради.
Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси жамоаси прокурор-тергов ходимларининг малакасини ошириш ва қонунчиликни мустақамлаш муаммолари маркази директорининг ўринбосари, катта адлия маслаҳатчиси Равиля ШИҒАБУТДИНОВНИНГ вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзин ихор қилади.



ЁРДАМ АЖРАТИШНИ КОНГРЕССДАН СУРАШ НИЯТИДА

Президент Билл Клинтон маъмурияти АҚШ конгрессидан 1995 мобиллий йилда Россия Федерацияси ва совиқ Иттифоқдаги бошқа давлатларга ёрдам бериш учун 1,5 миллиард доллар ажратилишини сўраш ниятида.

Бундан ташқари Россия, Беларус, Қозоғистон ва Украинадаги ядровий куролларни йўқ қилишга яна 371 миллион доллар ажратилиши лозим бўлади, дейилади шу мавзудаги хабарда.

ХУПОСА ЧИҚАРИШГА ҲАЛИ ЭРТА...

«Биз Россиянинг келажаги учун кураш қандай натижа билан тугашига баҳо бериш учун шовилмаслигимиз керак. Чунки, бу ғалабани Россия демократлари душманига қўй-қўллаб топшириш демакдир».

АҚШ давлат котиби Уоррен Кристофер америкалик айрим сийсатчиларнинг «Россия бари бир империалистик ва антидемократик давлат бўлиб қолади», деган фикрларига жавобан ана шу гапларни айтди.

СУИҚАСДЧИНИНГ УЗИ ПОРТЛАБ КЕТДИ

Ўтган яқинба кунини Крым Республикаси Бош вазир Аркадий Демиденкога суиқасд уюштирилди.

Бирок, портловчи молда суиқасд қилувчи Бош вазирга яқинлашмасидан бурун тўсатдан портлаб кетган. Натижада суиқасдчининг ўзи ҳалок бўлган.

Крим ҳукумати Бош вазирнинг журналистларга маълум қилишича, нотаниш кишилар унга телефон орқали бир неча бор таҳдид қилган.

МУЗОКАРАЛАРНИ ҚАЙТАДАН БОШЛАМОҚЧИ

Шри-Ланка президенти Чандрика Кумаратунга мамлакатда муҳолиф куч ҳисобланган «Тамил илама» озодлик йўлбарлари раҳбарига мактуб йўлади.

Мактубда президент ушбу ташкилот раҳбарини қайтадан музокаралар бошлашга чақирган.

ЖИНОЯТ КУРСИСИДА — СОБИҚ БОШ ВАЗИР

Талин шаҳар судида катта шов-шувга сабаб бўлган жиноий иш кўрила бошланди.

1988-1990 йилларда Эстония Бош вазир бўлган Индрек Тооми жиноятчи курсисидан ўтирмоқда. У хавфсизлик полицияси ходимига 30 минг эстон крони миқдорда пора беришда айбланапти.

ФАҚАТ ҲЕЧ ҚАНАҚА ШАРТ ҚУЙМАСДАН...

Париж. Агар Канада ҳукумати Испаниянинг қамоққа олинган кemasини ҳеч қанақа шарт қўймасдан озод этмаса, Европа Иттифоқи Оттавага нисбатан қўшимча жазо чораларини қўллаш масаласини кўриб чиқади.

Европа Иттифоқига аъзо бўлган мамлакатлар қишлоқ ҳўжалик вазирларининг Тулузда ўтказилган учрашуви чоғида тарқатилган Баёнотда шундай дейилади.

СОБИҚ ПРЕЗИДЕНТ ДАВВАТИ

Генуяда қайта қуришдан сўнг янги жаҳон мувозанати сари йўллар мавзуда халқаро анжуман бўлиб ўтди.

Унда иштирок этган Михаил Горбачев Россия ҳукуматини мамлакат олий органларига муддатидан олдин демократик сайлов ўтказишга чақирди.

АЁЛЛАР МАМПАКАТ ҲАЕТИДА ФАОЛ ИШТИРОК ЭТИШАЯПТИ

Статистика маълумотларига кўра, Хитойда шаҳар мэри лаозиминда ишлайётган аёллар сонини 300 нафардан ортқидир.

Хитойликларнинг фикрича, аёлларнинг сиёсий мавқеи кундан-кунга ўсиб бораётгани жамиятнинг юксак тараққиёт сари қадам қўйётганидан дарак беради. Хитой ҳукумати кейинги пайтда мутахассис аёллар тайёрлашга катта эътибор беришмоқда. Аини пайтда иқтисод, маданият, маориф, фан, соғлиқни сақлаш ва қурилишда аёллар фаол иштирок этмоқда.

МУКОФОТ ЭНГ ЯХШИ ҚАПАМКАШГА ТЕҒАДИ

Москвада Лужники спорт майдонида Владислав Листьев хотирасига бағишланган хайрия концерти бўлиб ўтди.

